



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2020
1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Г.И. БОТИРОВ – ф-м.ф.н.

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсунова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазасва Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Рўзиев Р.Ж. – с.ф.д., проф.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Маматов А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Джумабаева Ж.Ш. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2020

МУНДАРИЖА

Тарих

Айтмуратов Ж. Қорақалпоқ бахшчилиги санъатида халқ мусиқаларининг келиб чиқиш манбалари.....	3
Abrorova M. XVII-XVIII asrlar xonliklar davri siyosiy hayoti o'zbek mumtoz shoiralari talqinida.....	8
Budirov A. Samarqandliklarning fashistlar bosqinidan ozod qilingan hududlarga insonparvarlik yordami.....	12
Mamajonov D. Ўзбекистон кинематографиясидаги индустриал теңденциялар (1985-1991 йиллар).....	16
Mattheev Y. XIX asr yurtlarida Afg'oniston va Yul' Osiy hududida ishlatil-rus raqobatining ularga hos natijalari.....	21
Mirzaev G. Markaziy Osiyda montajaviy kavfseizlikni ta'minlashning shart-sharoitlari: imkoniyat va muammolar.....	25
Xaqqilarov X. Ўзбекистонда харбийлар хатини ўрганишининг илмий услубий тахлили.....	31
Xushvaqtov N. Samarqandda ta'lim tizimi tarixining taraqqiyot boshqichlari.....	36
Oshlov B. Antanaviy dehqonchilik xujaligining tarixiy-etnografik adabietlarda e'ritilishi (Farg'ona vodiysi ma'lumotlari ta'lim asosida).....	41
Qobulov D. Surxon noxosi me'morчилигининг ularga hos natijalari.....	45

Филсафа, Педагогика, Методика, Социология

Abdullaeva P. Problemy obucheniya russkoyu yazyku kak yazyku spetsialnosti v meditsinskiy obrazovatelnyy uchrezhdeniyah respubliky Uzbekistan.....	50
Ayazov A. Hududiy kaita inson san'ati korxonalarida mehnat samaradorligini ifodalovchi kursatkiylar ta'limi.....	55
Agaboev M. Etilar siyosiy madaniyati va faolligi - jamoatda tolerantlikni mustahkamlovchi muhim omil.....	63
Ajdarov A. "Yul'ni etilar ta'limi hududlari muhoфаза kaitin orkali ekologik tarbiya berish texnologiyalarini takomillashirish"ning nazariy asoslari.....	68
Boymurodov A. Pedagogik ta'lim innovatsion klasterida online tizimidan foydalani.....	72
Jalolova P. Kredit-modul tizimida "fizika" fani mashg'ulotlarini o't asosida ta'lim kaitin metodikasi.....	75
Ismatov F. Pedagogik mutaxassislik iynalishlari talabalariга физика fanning zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalaniб ulatishining ularga hos natijalari.....	79
Maxarov T. O'quv jarayonini tashkil etishda kredit-modul tizimi.....	83
Miradova F. Comparison and analysis of existing virtual laboratories.....	88
Primon M. Юксак ekologik madaniyati shakllantirishda faol fuqarolik pozitsiyasining dolzarb masalalari.....	92
Samatova D. Shaxsa iynaltilgan ta'lim texnologiyasi mazmunda yul' maqsadlari ta'limi.....	97
Saparov B. Milliy ul'ni anglatishda umumiylashiril demokratik printsiplarning ahamiyati.....	102
Suyulova H., Jumayeva Sh. The way of designing effective communicative activities for English for specific purposes of classes.....	106
To'libekova M. Diniy bag'riketlik-globallashuv sharoitida mafsurat ta'limlarga kaitin qurashuvchi omil.....	109
Usakov H. Pedagogik tafakkur shakllantirishning mohiyati.....	116
Umarova Z. Kaitin dizayni ta'limini modernizatsiyaning aktuyl tamoyillari.....	121
Sandjanoval U., Shaxmuroval G. Reshenie zadaniy i zadach po biologii - kak odin iz metodov razvitiya logicheskogo myshleniya u studentov.....	125
Xaqqarov P. Navoiy tasavvufiy-filsofiy dunekarashi manbalarinin ta'limi.....	129

Филология

Abdullaeva M., Iskandarov O. Matnlari morfologik ta'lim kaitin moduli va uning ahamiyati.....	133
Ahmedova M. Argo, argon va sleng s'zlarining funktsiyalari.....	137
Bakhrova M. Badiiy adabietlarda kasallik nomlarining ifodalani.....	141
Bosnov B. Tilshunoslikda tarqal lingvistik tadqiqotlar ob'ekti sifatida.....	144
Zakirova G. Xotim-kaitlarining ixtisoiy-siyosiy faolligi masalasi butun ta'limi kaitin omil.....	149
Ibratova G. Ingliz va ul'bi tillarda parafrazning struktural-semantik turllari masalasi xususida.....	152
Imanova X. M. M. Prishivim ijdoda falsafiy-esetik g'oyalarining talqin etilishi.....	156
Karimova S. Shifoxona adabiy makon sifatida.....	159
Kodirova X., Abdullaeva M. Disfemik birlashmalar shakli strukturalista kura tasnifi.....	163
Kurbonova H. Aliyev Dantening "Ilohiy komedia" asarida diniy-epifologik obrazlar.....	168
Maxmudova H. Ul'bi va ingliz tilldaridagi farqlar semantik makollarinin kitesiy ta'limi.....	172
Nosirova Z. Я.Кавбатнинг "Ona tilida ibodat" hikoyasida ona tilidining ahamiyati va badiiy estetik funktsiyasi.....	176
Nasirina S. Obshchestvenno-politicheskiye terminy kitayskogo yazyka: sposoby obrazovaniya.....	179
Paradov K. Muhtim shaxsiyatning mati tarixi.....	186
Ruzmurova P. Izucheniye zhizni i tvorchestva Aliyeva Navoi v Turin.....	190
Samatdardova S. Milliy televideniye troler jurnalistika namoyishi ta'limi.....	194
Siddikova H. Rol kontekstualno-recheniy sinonimov v yazyke prozy.....	199
Sultanov T. Navoiy va Sodiqiy: ilk turkiy tazkiralarning qiyosiy ta'limi.....	203
Urashov A. Aitrim morfem hodisalar ta'limi.....	208
Xalilova L. Interactive methods in English classes.....	212
Xashimova S. Xozirgi xitoy tilida s'z e'linin usulidning boglovchi modeli haqida.....	215
Yul'danova H. Ingliz va ul'bi tilldarida kaitin s'zlarining tasnifiy ul'ni ul'ni va farqlar.....	220
Yashneva Z. «Ulug' sayyosat» tetralogiyasida psixologik tasvirning poetik talqini.....	224



УДК159.9(575.1)

Қулдощ ПАРДАЕВ,

Алишер Навоий номидagi

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор кафедраси доценти в.б.

Филология фанлари доктори

E-mail: kuldashparda@mail.ru

THE TEXT HISTORY POETRY OF MUKIMI

Abstract

Comparing the current text of the works of Mohammad Aminkhoja Mukimi with handwriting bayaz of poet do not correspond to the original. Because of the ideology of Soviet Union poet's poems on the religious and mystical nature have been amended and shortened. Strong social critical verses in the texts of comedic works of poet were also dropped down. As a result, the edited work was interpreted against the essence. The newly discovered works of Mukimi are important for studying of the poet's worldview, attitudes towards social reality, the literary and aesthetic world.

Keywords: poet, interpretation, line, gazelle, stophe, editing, literary environment, edition, manuscript, poems, satirical, style, Turkistan.

ИСТОРИЯ ТЕКСТА ПОЭЗИИ МУКИМИ

Аннотация

Посравнение в произведениях Мухамада Аминходжа Мукимии с его рукописный и с реальной работе наблюдался несоответствия. Потому что времена советского союза по идеологическом вопросам написана была писателем стихотворение пришлось отредактировать. В сатирических произведениях была указана писателем отрицательное моментом пришлось сократить. В результате отредактированное произведение неправильное в общих смыслах. Изучения найденные новое произведение Мукимии можно увидеть как писатель показывают его общественное кругозора, отношение и эстетический мир литературы.

Ключевые слова: Сатира, редактирование, интерпретация, рукопись, газел, редакция, поэт, строка, строфа, Туркистан, литература, стихотворение, стиль.

МУКИМИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ МАТН ТАРИХИ

Аннотация

Мухаммад Аминхўжа Мукимий асарларининг нашрлари матнини шоир дастхат баёзлари билан қиёслаганда, аксарият шеърий асарлар матн аслигига мувофиқ эмаслиги маълум бўлди. Чунки шўро даври мафкураси талабидан келиб чиқиб, шоирнинг диний-ғасаввуфий маззадаги шеърлари тахрирга учради, қисқартирилди. Ҳажвий асарлар матнидаги қучли ижтимоий танқидий байт ва бандлар ҳам тушириб қолдирилди. Натижада, тахрир қилинган асарлар мазмун-моҳиятга зид талқин қилинди. Мукимийнинг янги топилган асарлари шоир дунёқарашини, ижтимоий воқеликка муносабатини, адабий-эстетик оламиш ўрғанишда муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Сатира, нашр, шоир, мисра, байт, адабий муҳит, услуб, талқин, тахрир, қўлёзма, ғазал, шеър, Туркистон.

Қирини. Мукимий ижодини ўрганиш унинг ҳаётлик чоғидан бошланган бўлса-да, шоир адабий мероси матн тарихи ва тахрири нуқтаи назардан тадқиқ этилмаган. Мукимийшунослик, асосан, шоир асарларини нашр эттириш ва оммалаштиришдан бошланган. Жумладан, «Туркистон вилоятининг газети» (1891-1903-1907 йилги сонлари)да шоирнинг лирик ва ҳажвий шеърлари чоп этилган. Санкт-Петербургда нашр этилиб турган «Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества» тўпламининг 1894 йилдаги IX томида Мукимий ҳажвий асарларидан намуналар берилган. А.Шохиров, О.Жўрабоев

сингари олимларнинг шоир асарлари қўлёзма манбалари устида олиб борган тадқиқотлари мукимийшуносликка қўшилган муносиб ҳиссасидир[1]. Бироқ шўролар давридаги аксар тадқиқотларда коммунистик мафкура талаблари асосида Мукимийнинг қўлаб шеърий асарлари тахрир қилиниб, лирик ва ҳажвий асарлари ўз моҳиятига зид талқин этилган. Шунинг ўзиёқ шоир шеърий меросини мустақиллик мафкураси меъзолари асосида қайта баҳолаш, Мукимий дунёқараши, ижтимоий воқеликка муносабатини, ижодкор шифатидаги тутумини белгилаш пачоқлик долзарб вазифалардан эканини кўрсатади. Мукимий

шеърӣ асарларининг бирламчи манбалари мустақилликдан сўнг қайта монографик тарзда таҳқиқ этилган эмас. Ушбу мақола адабиётшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдиришга муайян даражада хизмат қилади.

Асосий кием. Муқимийнинг манбалардан янги аниқланган аксар газал ва мухаммаслари моҳиятдан диний-тасаввуфий ғояларнинг бадиий талқинига бағишланган. Уларда шоир шеърлар мазмунига тулм ва бидъатнинг жамият учун офат манбаи экани, адолатни улуғлаш каби ғояларини сингдириб юборган. Ҳажв жамиятдаги ҳолатларни фош этиш орқали уларни муолажа этишга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туриши исбот талаб қилмайди. Бошқача айтганда, ҳажв – жамият учун ойна. Бу ойнада ютуқлар ҳам, нуқсонлар ҳам очиқ-ойдин аке тлади. Муқимий ижодида ҳажвнинг этакчи ўрни туғили сабаби шунда. Шоир ҳажвий асарларининг асосий ғояси замонасиздаги адолатсизликларни, чор ҳукуматиининг миллий давлатчилигимизга, азалий қадриятларимизга зид сиёсати моҳиятини очиб кўрсатиш, бу орқали миллатга ўзлигини аниқлашдан иборат эди. Бу турдаги асарларида Муқимий шариат қондаларининг мустамлакачилар томонидан поймол этилиши, оқибатда халқнинг маънавий-ахлоқий илдиэларидан тобора узоклаша бориши, умуман, миллатнинг шундай аянчли ахволга тушиб қолгани сабабларини бутун моҳияти билан бадиий талқин этади. Жумладан, мухаммас жанридаги “Дариго муқимий” сарнавхали шеър Муқимий асарлар тўнгамининг совет давридаги энг сўнгги нашрида [2]. 6 банд, аслиятда эса 8 банд. Икки банд ҳукмрон мафкура қоллинига мувофиқ келмагани учун тушириб қолдирилган. Булдан ташқари, мухаммаснинг деярли барча бандларидаги мисралар тахрирга учраган. Шундан сўнггида жорий нашрларга киритилган. Натижада шоирнинг чор мустамлакачиларига нисбатан танқидий қарашлари ўқувчи эътиборидан четда қолган. Мухаммаснинг биринчи бандида айни ҳол кузатилади.

Жорий нашрларда:

Дариго, муқимийнинг соҳибни аҳли шарор ўлмиш,

Шариат ҳукми қозилар кўлида пургубор ўлмиш,

Ба жойи амри маъруф, қори мункар ошқор ўлмиш,

Ҳақиму олиму соҳибфасохат ҳору зор ўлмиш.

Бу кунда қимми иймонини сотар ул эътибор ўлмиш.

Аслиятдан жорий илмога таъдил қилганда: [3]

Дариго, дини ислом ҳокими аҳли кифор ўлмиш,

Шариат кўзгусиким куфр гардишги губор ўлмиш,

Ба жойи амри маъруф наҳий мункар ошқор ўлмиш,

Сайид, содотлар беҳурмат-у, кўп ҳору зор ўлмиш,

Бу кунда қимми иймонини сотибдур, эътибор ўлмиш.

Кўринадик, шеър бутунлай тесқари тахрир қилинган. Натижада шоирнинг танқиди мустамлакачиларга эмас, лкин пенволарига, қоз-ю бойларга қаратилган бўлиб қолган. Аслида, шоирнинг мақсади бундай бўлмагани маълум. Бу мисраларда шоир “Шариат кўзгусиким куфр гардишги губор ўлмиш” – дея сайид, содотлар беҳурмат эканидан изтироб чекади. Мухаммаснинг иккинчи банди ҳам ғоявий тахрирдан ўтказилган.

Шўро давридаги нашрларда:

Замона аҳлининг бир хайли бордур хайф инсонлик,

Шул инсофини билан ул айлагай даъво мусулмонлик,

Бировга ҳийлаю макр айланор, афъоли шайтонлик.

Бўлур хурсанд ўз қилган ишга бўйла нодонлик,

Бериб қиз кекса бойга фахр ила хешу табор ўлмиш.

Аслиятда:

Замона аҳлининг бир фирқасига хайф инсонлик,

Қилурлар, билмагай “Алҳамд”, даъвоини мусулмонлик,

Бировга ҳийлаю макр айламак афъоли шайтонлик,

Бўлур хурсанд бу шаҳр бўлғонига кофиристонлик,

Бериб қиз куфр элига, баъзилар хешу табор ўлмиш.

Шоир “Замона аҳлининг бир фирқасига хайф инсонлик” – дея таассуф қилади. Жамиятда фиску-фасод ишларнинг кўпайиб кетиши сабабини гайридинлар ва кофирлар аралашуви билан изоҳлаб, бундан кўп таассуф чекади. Натижада халқнинг маънавий бузилиши, эътиқодсизлик, ахлоқсизлик, хиёнат, ичкиликбозлик авж олганини изтироб билан тасвирлайди. Айниқса, шоирнинг “Бериб қиз куфр элига, баъзилар хешу табор ўлмиш” – деяги фикрлари шоирнинг айрим миллатдошлари қилмишидан ор қилганини кўрсатади. Мухаммаснинг “Ҳазор афсуским, инм аҳлида бир зарра иззат йўқ” – деб бошланувчи бандида ҳам Ватан ва миллатнинг аянчли ахволга тушиб, нодон қимсалар ҳурматда-ю, инм аҳлининг ҳору зор бўлиши, уларда заррача ҳам иззат йўқлиги дард билан ифодаланади.

Умуман, мухаммаснинг барча бандларидаги фикрлар замон адолатсизликлари ҳақида. Шоир дунёпараст бўлмай, охираст – уқбо ғамми билан яшаган қимми мусулмон эди. Лекин бу фикр унинг тарқидунёчиликка мойил эканини аниқлатмайди. Муқимий дунёни эмас, дунёга муҳаббатни тарқ этиш ҳақида ёзган. Зеро, дунёпарастлик одамни асл моҳиятидан узоклаштиради. Дунё матоҳига бўлган ҳирс инсонни жиноятга, ҳар қандай йўл билан

бўлсин, бойлик тўйлашга интилиш туйғусини пайдо қилади. Бугунги глобализм замонида ёш авлод қалбида мол-дунёга эмас, инсоний қамолотга бўлган муҳаббат туйғусини уйғотиш жамият равиоига тўсиқ бўлаётган аксар иллатларнинг олдини олишни аниқ.

Шўро даври мафқурасига кўра муқимийшунос олимлар тадқиқотларида шоир ижодининг қуйидаги жиҳатлари атайиб бузиб кўрсатилади. Биринчидан, шоирнинг диний-тасаввуфий руҳдаги аксарият шеърый асарлари нашр этилмай қолди. Иккинчидан, Муқимийни бой, савдогар, қозиларга қарши қилиб кўрсатиш тадқиқотлар учун устувор вазифа этиб белгиланди. Учинчидан, Муқимийнинг “Сарой адабиёти” ва анъаналарига бўлган муносабати нотўғри талқин қилиниб, улардан сийфий кураш аломатлари изланди.

Шоирнинг турли жанрлардаги лирик шеърлари сингари “Дариго муқимиз”, “Ҳажви Бектурбой”, “Дар мардуми Окжар батарики муҳаммас”, “Дар мазаммати замона”, “Ҳўқандлик бир бойнинг шайига Муқимий шоирнинг айткон шеъриндур”, “Уруғ”, “Вексил”, “Дар мазаммати қурбака”, “Саёҳатнома” каби кўнлаб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ҳажвий асарларининг таҳрир қилиниб, қисқаришлар билан нашр этилиши бунинг исботидир. Жумладан, Муқимийнинг “Туркистон вилоятининг газети” 1903 йил 15 яшар, 2-сонда 31 байтга “Ҳўқандлик бир бойнинг шайига Муқимий шоирнинг айткон шеъриндур” сарлавҳали ҳажвий асари берилган. Негадир, барча Муқимий асарлар нашрида шеърнинг номлангани “Воқеан кўр Ашурбой ҳожи” деб номланган. Муқимий асарлар нашрида шеърнинг 2-, 7-, 15-байтга қуйидагича берилган:

Ашурбойдин эшитинг қиссас,
Аё эй бу Фарғонада номдор.
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб бекарор.
Секшироқ гапир, мен Ашурбой – дедн.
Қочиб ўлтурибман, сенга интизор.

Мазкур байтларни “Туркистон вилоятининг газети”да эса бу тарзда ўқиймиз:

Эшитинг ўшал бойдин қиссас,
Аё эй бу Фарғонада номдор.
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Оёғида кинан қочурурга озор.
Секшироқ гапир, мен фалонбой – дедн.
Қочиб ўлтурибман, сенга интизор.

Кўриниб турибдики, бирон жойда Ашурбой образи йўқ. Шеър мисралари шоирлар томонидан таҳрир қилиниб ўзгартирилган. Шундан сўнг, ҳажвий шеърга “Воқеан кўр Ашурбой ҳожи” деб сарлавҳа қўйилган. Шеърнинг 26-байтга шўро даври мафқурасига кўра қуйидагича қайта ёзилган:

Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Топиб бой сўзи бунда зўр эътибор.

Байт ҳақида адабиётшунос А.Абдугафуров бундай ёзган эди: “Ушбу сатирада алоҳида диққатга

сазовор яна бир байт бор. Унда шоир “бой сўзи” “зўр эътибор” тоғшининг асл сабабларидан бирита – пул, олтиннинг у тузумда ҳал қилувчи ролига аниқ ишора этади. Ашурбой ҳожи “губор”ни ювиш учун барча амалдорга “ниҳоний” олтин-қумушлар (“сийму зар”)ни “сув каби” ишлатади, пора беради” [4]. Бошқа муқимийшунослар фикри ҳам шунга мутаносиб. Аслида “Туркистон вилоятининг газети”да байт бундай эди:

Эшонлар қолиб дукчини айбига,

Бу одам уятига аҳли тужжор.

Бундай таҳрир қилиниб, мисралари қайта ёзилган шеърый асарлар Муқимий асарлар нашрида кўнлаб учрашини таъкидлаш керак. Бундай ҳолни шоирнинг “Дар мазаммати замона” сарлавҳали ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеър мисолида ҳам кузатиш мумкин. Афёуски, шеър матни Муқимий асарлари таъдид нусхаларида 10 байт қолди бўлиб, 7 байтга ташлаб кетилган. Бу эса шоирнинг чор мустамлакасига бўлган танқидий қарашининг яширилишига олиб келган. Мисол учун, нашрлардан тушириб қолдирилган шеърнинг 2-, 3-бўлиб келувчи байтлари Муқимийнинг 1325- рақамли дастхат баёзида (120³ – саҳифа) қуйидагича келади:

Гўлиб черкас, қизилбош, арманлар
шаҳримиз ичра,

Мусулмонлар таҳиyo яхшилар кўздин
ниҳон бўлди.

Ҳамият айлаб Аҳмаджон туриб тужжор
аҳлидин,

Шижоатдин татида ҳар сари муён ситон
бўлди.

Муқимий ижодига бирёқлама ёндашуви шоирнинг туркум ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърый асарлари талқинида қўрамиз. Бу эса, Муқимийни бой, савдогар, қози ва дин пепволарига қарши қилиб кўрсатишда кузатилади. Мисол учун, шоирнинг “Саёҳатнома” асари талқини бунинг исботидир. “Саёҳатнома”нинг “Қўқондан Шохмардонга” қисмининг 8-банди барча Муқимий асарлари жорий нашрларида қуйидагича берилган:

Унда бўлус Гози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилгон иши озор экан.

Мазкур банд талқини ҳақида дастлаб адабиётшунос Х.Ёкубов бундай ёзган эди: “Шоир бу ердан Дўрманча мавзуга ўтади. Бу ернинг бўлуши ҳам Исо сарқордан сира қолишмайди. У, эртаю кеч кўқнори ичиб, бадамас ҳолда юради ва бир неча мансабни ўз қўлига қиритиб олган.” [5] А.Абдугафуров фикри ҳам худди шундай: “Қишлоқдаги барча мансабларни эгаллаб олган амалдорларнинг зolimлиги, “озор” бериши, “юрт”нинг эса “норози”лиги каби қатта ижтимоий мазмун қуйидаги бандда тўғридан-тўғри яхлит ва дағал ифодаланган”. [6] Профессор Г.Каримов эса мазкур банд талқини батавсилроқ тўхтатади: “Дўрманча қишлоғининг ҳокими ҳам ярамас феъл-атвори билан Ҳожи Исодан қолишмайди. Шунинг

учун у ҳам Муқимий танқидидан омон қолмайди. Дўрмончада воласта ҳокимини ("бўлис бошигин") бўлиб турган Ғози исмли киши зотимлик билан шуҳрат қозонган, эл-юрт нафратига учраган эди" [7].

Қўринадики, деярли муқимийшунос олимлар фикрлари бир хил. Қандай қилиб бўлмасин қози, муфти, ҳожиларга салбий муносабат билдирилиши керак. Энди мазкур банданинг аслиятдаги (6352- рақамли баёз, 181⁶) бандани келтирамиз:

Анда бўлус ҳожи деди,
Ҳам муфти ҳам қози деди,
Юрти ҳамма рози деди,
Бечора беғор экан.

Умуман, даур талаби нуқтан назаридан банданинг барча мисралари таҳрир қилинган. Натижада муаллифнинг муфти, ҳожи ва қозилар ҳақидаги рост гаплари ёлғонга дўнган, матн аслиятдан мутлақ йироқлашган. Аслида эса мазкур бандда Ғози образининг ўзи йўқ.

Муқимийшунослар тилга олган бадкор Ҳожи Исо ким? Бу саволга жавоб топиш учун мазкур асарнинг 5-бандига эътибор қаратамиз. Муқимий асарлари жорий нашрларида банд қуйдагича келади:

Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедонши,
Бир "Қўштегирмонлик" киши,
Ҳўжа Исо бадкор экан.

6352- рақамли қўлёзма баёз (181⁶-саҳифа)да:

Мингбошилик кимнинг иши,

Десам, деди бир дошиш,
Бир "Қўштегирмонлик" киши,
Ҳўжа Исо бекор экан.

Таъкидлаш жоизки, Муқимий асарлар нашрининг [8] баъзиларида 4-мисраси "Ҳўжа Исо саркор экан" шаклида учрайди. Қўринадики, банданинг 2-мисрасидаги "бир дошиш" сўзининг "бедонши"га айлангирилиши муаллиф бадий нияти бутунлай тесқари ташқи этилишига олиб келган. 4-мисрадаги "бекор" сўзи "бадкор", "саркор" тарзида таҳрир қилиниши мисралар мазмунига мос эмас. Банд мисралари мазмунидан маълумки, Муқимий сўраяпти. Бу жойнинг мингбошии ким? Шунда бир дошиш одам бир "Қўштегирмонлик" киши эканлигини айтиб, Ҳўжа Исо мингбошилик лавозимидан бўшагани таъкидланмоқда.

Хулоса, Муқимийнинг турли жанрлардаги назмий асарлари дастхатлари ва унга яқин вариантларини жорий нашрлардаги матнлар билан қиёслаш натижалари шoir шеърларининг «ғоявий таҳрир»га учраганини кўрсатади. Бунинг оқибатида баъзан ижодкор асарларига уларда бўлмаган ғоялар қўшилган, айрим ҳолларда эса мавжуд ғоя қисқартирилган. Шоирнинг диний-тасаввуфий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърлари матнлари, айниқса, жиддий таҳрирга учраган. Шу боис уларнинг тўлиқ ва ишончли вариантларини тиклаш шoir дунёқараши, бадий-эстетик олами ҳақида тўлақонли тасавур бериши жиҳатидан қимматлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Шокиров А. Муқимийнинг янги топилган сатираси. //Адабий мерос. – Тошкент, 1976, 5-сон; Муқимийнинг бир дастхати ҳақида. // Адабий мерос. – Тошкент, 1978, 10-сон. О.Жўрабоев. Муқимийнинг "Чўнтак баёзи". //Ғулистон. – Тошкент, 1999, 2-сон; Муқимий дастнавислари ҳақида. // Адабиёт нузуси. – Тошкент, 2000, 5-сон; Қўлёзма манбаларда Муқимий ижоди. //Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2001, 3-сон.
2. Каримов Ғ. Муқимий. (Асарлар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б.356.
3. Мадамипов А. Янги баёз, Т.: Фан, 1997. – Б.16. Бу шеър матни А.Турдиалиев хизмати билан нашр этилган "Бог аро" номли тўпланда тузатилган (Т.: Akademnashr, 2010. – Б.243).
4. Абдугафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976. – Б.14.
5. Ёқубов Ҳ. Демократ шоир. //Шарқ юзузи. 1953. 9-сон. – Б. 99.
6. Абдугафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976. – Б.65.
7. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – Б. 121.
8. Гафур Фулом. Муқимий. (Танланган асарлар). –Т.: Ўзбекистон, 1942. –Б.149.